



Феруз Бобоев

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти директори

ўринбосари,

тарих фанлари доктори

fbs2012@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15487172>

ЎРТА ОСИЁДА СОВЕТ МАФКУРАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА КИНО САНОАТИНИНГ РОЛИ (XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ)

Аннататсия. Совет ҳокимияти Ўрта Осиёда коммунистик мафкурасини тарғиб қилишда бир нечта усуллардан фойдаланган. Большевиклар томонидан коммунистик мафкурасини тарғиб қилишда матбуот материллари, адабиёт, санъат, кино, митинглар, маърузалар ва ҳатто илмий тадқиқотлардан кенг фойдаланганлар. Улар орасида энг жозибадори ва аҳолининг кенг оммасини қамраб оладигани бу – кино санъати эди. Совет ҳокимияти Ўрта Осиё жамиятида ўзининг ғояларни тарғиб қилишда урф-одатлар ва ислом дини қонун-қоидаларини қоралайдиган, совет ҳокимиятига қарши миллий озодлик ҳаракатларига салбий баҳо берадиган, социализм қурилиши, совет кишиларининг ҳаёти ва уларнинг “бахтиёр” турмуш тарзинини акс эттирадиган фильмларни ишлаган. Мақолада шу йўналишда ишланган фильмлар аҳоли орасида кенг тарғиб қилинганлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: кино, тарғибот, мафкура, ғоя, коммунизм, совет, большевик, ислом дини, жамият, миллий озодлик.

Россияда 1917 йил октябр инқилоби ҳокимиятни большевиклар партиясига ўтишига ва кейинчалик дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг ташкил қилинишига олиб келди. Инқилобчилар Россия империясидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан мураккаб вазиятни мерос қилиб олди. Империянинг қулашидан фойдаланган ҳолда унинг таркибида бўлган айрим халқлар ўзларининг миллий мустақиллигини тиклашга интилди. Вазиятнинг кескин тус олиши энди ҳокимиятни эгаллаган большевиклар учун жиддий муаммоларни юзага келтирди. Уларнинг олдидаги асосий вазифа барҳам топган Россия империяси чегараларида барча халқлар орасида коммунизм ғояларини ёйиш эди. Янги пайдо бўлган большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва коммунистик жамият асосларини барпо этишда тажриба сифатида турли хил стратегиялар қўлланилди. Шу йўналишда муҳим масалалардан бири бу – кучли “тарғибот машинасининг” ишга солиниши эди. Матбуот, таълим ва бутун маданий соҳалар совет мафкурасини тарғиботчисига айлантирилди. Буларнинг орасида кино саноатининг ҳам алоҳида ўрни бор эди.

И.В. Ленин “Барча санъат турлари ичида энг муҳими кинодир”[1. – Р. 1; С.204]. деган бўлса, И.В. Сталин “кино – оммавий ташвиқотнинг энг катта воситаси” эканлигини таъкидлаган”[2.–С.35]. Лениннинг рафиқаси ва Маъориф халқ комиссарлигининг фаол аъзоси Н. Крупская киномани “икки тигли қилич”га қийслаган. Кино коммунистик мафкурани тарғиб қилиш билан бир қаторда анти-коммунистик ва буржуа ғояларини тарқатишга ҳам хизмат қилиши мумкин эди. Кино саноати сиёсий аҳамият касб этиши билан бир қаторда, Л.Д. Троцкий 1923 йилда, Сталин 1928 йилда тан олганидек, кинодан олинган фойда ароқ сотишдан тушадиган даромад ўрнини босадиган манба бўлишидан ташқари, алкоголизмнинг зарарли таъсирига қарши курашиш учун ҳам муҳим эди”[3. – Р.6].

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб фотоаппарат ва кинематографиянинг кириб келиши Худойберган Девоновнинг номи билан боғлиқ эди. У Хива хони саройда кино ва фотостудия ташкил этди. Кинематографиянинг кириб келишига

жадидлар тараққиёт учун янги бир қадам сифатида қарашган. 3. Кракауэр”[4] фикрича, “Кино икки функцияга эга бўлиб, атрофдаги воқеяликни акс эттириш ва янгисини яратиш”дан иборат. Жамиятда кинонинг ўрни ва вазифалари сифатида жамоавий онг ва хулқ-атворни шакллантириш билан белгиланади. Кино саноатининг олдида қўйилган вазифаларнинг ўсиб бориши асосан ташқи томондан белгиланган омилларларга боғлиқ. Бу ҳокимиятнинг буйруғи (асосан тарғибот ва ташвиқотга йўналтирилган), бозор ва жамоатчилик талаби шулар жумласидандир. Совет даврида кино орқали асосан янги “совет одамани” тарбиялашга чақирилди, кўнгил очиш ва маданий ҳордиқ чиқариш вазифаси орқада қолди. Шунингдек, ҳақиқатни билиш ва акс эттириш вазифаларига фақат мафкуравий рух билан талқин қилиш шароитида рухсат берилди”[5. – С.171-172]. Бу ҳам аслида тарихий воқеяликни бузилишига олиб келар эди.

1919 йил 29 августда РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг “Фотосурат ва киноматография савдоси ва саноатини РСФСР Маъориф Халқ Комиссариёти тасарруфига ўтказиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди[6. – С. 34]. Мазкур қарор билан киноматография фаолиятини миллийлаштириш бошланди. Шу қарор бир неча ойдан кейин Турккомиссия томонидан Туркистон АССРда қабул қилинди. 1920 йил 10 январдаги қарор асосида Маъориф Халқ Комиссариёти томонидан Туркистонда биринчи кинематография бўлими (Туркгоскино) ташкил этилди. Бироқ 1924 йил декабрдаги миллий-худудий чегараланиш сиёсатига қадар бўлим ичида бирорта студия яратилмади. Кино саноати янги сиёсий-ижтимоий воқеаларни ёйилиши ва замонавий ғояларни тарқатишда асосий воситалиги сабабли БХСР ҳукумати ва маҳаллий сиёсий элитани ҳам ўзига жалб этди. Кино саноатига техник тараққиёт белгиси сифатида қаралди. Маданият соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўзлаштириш замонавийлик ва тараққиёт рамзи эди. Шундай қилиб, Россиядаги “Севзапкино” студияси ва БХСР Маориф комиссарлиги ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси туфайли 1924 йил апрел ойида Бухорода биринчи киностудия очилди”[7. – Р. 536]. У БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаевнинг уйида жойлашган эди. Рус-Бухоро

кинематография жамияти (Бухкино) қисқа муддатли фаолият юритган бўлсада (1924 йил апрел-декабр), у минтақада яратилган биринчи бадиий филмни яратишга муваффақ бўлди. Мазкур киностудияда В. Висковскийнинг “Ўлим минораси” (1925) фильми ишланиб, у кейинчалик Ўзбекистон ССРда ва Совет Иттифоқида катта муваффақият қозонди ва ҳатто халқаро кино бозорига (Европа ва Лотин Америкаси) кириб келди[8. – Р. 537].

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш сиёсатидан сўнг 1925 йил мартда Туркгоскино ва Бухкино бирлаштирилиб “Ўзбекгоскино” ташкил этилди. Шу пайтда Тошкентда “Шарқ юлдузи” (1936 йилдан Ўзбекфильм) номли Ўрта Осиёда биринчи киностудия ташкил этилди[9. – С. 16-17]. Ўзбекгоскино эски Шайхонтоҳур мадрасасида жойлашган эди. “Ўзбекгоскино”нинг логотипига (*1-иловага қаранг*) француз тадқиқотчиси Клоэ Дриеу алоҳида эътибор қаратиб, уни изоҳлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, бу логотип XX асрнинг 20-йилларида кинематографиянинг мақсад ва вазифаларини ифодалайди. Яъни, кино орқали Ўрта Осиё халқларининг дин ва урф-одатлар кишанидан халос бўлишга ундовчи восита сифатида қаралди. Логотипда миллати фарқланмайдиган икки мусулмон тасвирланган. Улар замонавий кийимда[10] юлдуз (қизил ва шарқона) ичида акс этган. Гўёки, у дин ва урф-одатлар занжирига боғланган ватандошини озод қилиш учун плёнка улоқтириб, қўлини кўтаради. Иккинчиси эса, бошига салла кийган ҳолатда, қўлларини очиб, “тараққиёт поездига” етиб олишга ҳаракат қилмоқда. Яна бир ҳолат шуки, логотипда акс этган кишилардан бирининг кўзи очик, кўринадиган ҳолатда акс этган. Бу гўёки унинг “озодлиги”ни, яъни дин ва урф-одатлар занжиридан узилганлигини, “замонавий” мусулмонлигини ифодасала, иккинчиси эса шунга тескари эди[11. – Р. 538].

“Ўзбекгоскино” ташкил этилгандан кейин унинг фаолияти миллий элита ва кўпчилик оддий кишилар томонидан ҳам ижобий қабул қилинди. “Ер юзи” журналида чоп этилган мақолада номаълум ёзувчи томонидан кинонинг кириб келиши билан Ўзбекистон ССРни табриклаган. Чунки кино саноати шу даврнинг

энг ажойиб ютуқлардан бири эди. Ўзбекистон ССР энди “ақл бовар қилмайдиган ва эшитилмаган нарсаларни” ишлаб чиқаришга ва “Шарқ сирларини очишга” қодир бўлди.

Ўрта Осиёдан ташқари СССРнинг бошқа миллий республикаларида ҳам киностудиялар ташкил этилиб, улар ҳам ўз киноларини ола бошлашди. Кино санъатини “маданий инқилоб”ни тарғиб қиладиган ва совет қурилишини мустаҳкамлайдиган воситага айлантириш учун соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Марказда бир неча марта муҳокамалар натижасида 1927 йил 12 декабрда “Восточное Кино” акциядорлик жамияти ташкил этилди[12. –Р.781-785]. Жамиятни тузишдан мақсад, биринчидан, барча республикалардаги кино ишлаб чиқаришни марказлаштириш; иккинчидан, кино саноатини ривожлантиришда ёрдам бериш; учинчидан, кино саноати орқали коммунистик мафкурани тарғиб қилиш, совет маданиятини ёйиш ва большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлаш; тўртинчидан, кино фильмлар намоиши орқали иқтисодий даромад кўришдан иборат эди. Айнан шу мақсаддан келиб чиқиб, “Восток-Кино” акциядорлик жамияти бадий кенгашининг 1928 йил 18 июндаги йиғилишида 1928-1929 йилларга мўлжалланган Шарқ ва Ўрта Осиё ҳақидаги фильмларнинг мавзулар режасини қабул қилди. Мавзулар режаси учта қисмдан иборат эди:

1. Россия империясига қарши халқларнинг миллий озодлик ҳаракати, Шарқнинг мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг мустамлакачиларга қарши инқилобий кураши, империалистларнинг мустамлакачилик сиёсати, миллий буржуазиянинг роли, Октябрь инқилобининг халқларга “миллий озодлик” беришдаги аҳамияти акс этиши лозим эди. Бунга қуйидаги мавзулар белгиланди: а) Ўрта Осиёда 1916 йил кўзғолони; б) Бошқирдларнинг “Салават” кўзғолони[13]; в) Шомилнинг рус империалистларига қарши кураши[14]; г) Коми АССР областидаги кўзғолон; д) Шарқ халқларининг совет ҳокимияти учун кураши; е) Англия Ҳиндистонда; ж) Афғонистон ва Англия; з) Кантон кўзғолони; и) Англиянинг нефт ва хомашё учун кураши.

2. Шарқ халқлари ҳаёти. Шарқ халқларининг маданий ва иқтисодий қолоқлиги. Эски турмуш тарзини бузиш ва унга социалистик тамойилларни киритишни бошланиши акс этиши лозим эди. Бунга қуйидаги мавзулар белгиланди: а) урф-одат ва расм-русмлар; б) шариат; в) бой, манап, оқсоқол ва уруғ раҳбарларининг ҳокимияти; г) қалин пули; д) қиз олиб қочиш; е) ёш турмушга бериш; ж) кўпхотинлик ва аёлларнинг ҳуқуқсизлиги; з) мулла, эшон, шомон ва бошқалар; и) эски мактаблар диний афюн учун пойдевор; к) касаллик ва сеҳр-жоду (табобат); л) қулоқларнинг камбағал ва ўртаҳолларга нисбатан эксплуатация шакллари; м) батрақлар, чўпонлар ва бошқалар ҳаёти.

3. Октябрь инқилобидан кейин Шарқ халқларининг маданий ва иқтисодий ривожланиши, миллий республикалар ҳамда областларда социализм қурилиши, янги турмуш тарзи кўрсатилиши лозим эди. Бунга қуйидаги мавзулар киритилган: а) саводсизликни йўқ қилиш, миллий республикалар ва областларда мактаблар ва таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш; б) халқ саломатлиги учун кураш ва бу борада совет ҳукуматининг қарорларини тарғиб қилиш; в) миллий республикалар ва областларда ишлаб чиқариш кучларини ва халқ хўжалигининг ўсишини кўрсатиш; г) саноатлаштириш; д) саноатни ривожлантириш истиқболлари; е) кооперация ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш; ж) хомашёни экспорт қилишда миллий республикаларнинг иштироки; з) ер масаласини тартибга солиш; и) қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш ва коллективлаштириш; к) мелиорация; л) чорвачилик; м) кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга ўтиш; н) транспорт қурилиши каби масалалар акс этиши белгиланди[15. – Б.203-204].

Мазкур уч қисмдан иборат бўлган мавзулар режасидан кўриниб турибдики, улар, биринчидан, Россия империясининг олиб борган сиёсатини қоралаш, Англиянинг Ҳиндистонга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини кенг тарғиб қилиш; иккинчидан, Шарқ халқлари ҳаётига кучли таъсирга эга бўлган шариат қонун-қоидаларига зарба бериш, урф-одат ва расм-русмларни чеклаш ҳамда жамиятда катта ижтимоий таъсирга эга бўлган уруғ раҳбарлари, бой ва

мулкдор қатламларининг мавқеини йўқотиш; учинчидан, совет ҳокимиятининг “ислохот”ларини жамият орасида кенг тарғиб қилиш кўзланган эди. Большевиклар жуда пухта ўйланган режаларни амалга оширдик, жамият ҳаётида кучли таъсирга эга омилларга зарба бермасдан янги коммунистик мафкурани ҳаётга татбиқ эта олмас эди. Шунинг учун кино санъати мафкурани тарғиб қилувчи асосий воситага айлантирилди. Мазкур тадбирлар ўз навбатида аҳолининг онги ва тасаввурларининг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатиб борди. Янги мафкурани аҳоли онгига шаклланиб бориши ўз навбатида совет ҳокимиятига қарши курашнинг мағлубиятига ҳам хизмат кўрсатиб борди.

“Шарқ юлдузи” киностудияси олдида ҳам иккита асосий вазифа юкланди. Бу Шарқ экзотикасини намойиш этиш ва тарғибот-ташвиқотга йўналтирилган фильмлар ишлашдан иборат эди. Шу билан бир қаторда СССРнинг бошқа республикаларида ва хорижда ишлаган фильмлар ҳам намойиш этилган. Ўрта Осиё аҳолининг катта қисми мусулмон бўлганлиги учун бу ерда янги совет мафкурасини сингдириш бироз мураккаб эди. Бу учун кинодан фойдаланиш яхши имконият эди. Ўрта Осиёда фильмлар қуйидаги йўналишларда тарғиботга йўналтирилган:

Биринчидан, урф-одатлар ва шариат қонун-қоидаларини қоралайдиган қатъий равишда динга қарши фильмлар: Шарифзоданинг “Бисмиллоҳ” (Озарбайжон, 1925), муҳаррамга[16]; Н. Ғаниевнинг “Рамазон” (Ўзбекистон ССР, 1932), рўза тутишга; К. Ёрматовнинг “Муҳожир” (Тожикистон ССР, 1934), динга; Д. Василевнинг “Тирик Худо” (Тожикистон ССР, 1935) исмоилизмга[17] қарши эди.

Иккинчидан, мусулмон аёлларнинг “озодликка” чиқариш билан боғлиқ бўлиб, унга асосан Ўзбекистон ССРда ишланган Д. Бассалигонинг “Мусулмон аёл” (1925 йилда “Бухкино” томонидан ишланган), М. Дорониннинг “Иккинчи хотин” (1927), М. Авербахнинг “Чачвон” (1928), Г. Чернякнинг “Унинг ҳуқуқи” (1931), О. Фрелихнинг “Авлиё қизи” (1931) каби фильмларни айтиш мумкин.

Учинчидан, совет ҳокимиятига қарши курашни тугатишга тарғиб қилган Ўзбекистон ССРда ишланган К. Гертелнинг “Равот қашқирлари” (1927), О. Фрелихнинг “Соябонли арава” (1928), Ч. Сабинскийнинг “Сўнгги бек” (1930), Н. Ғаниевнинг “Жигит” (1935) ва Туркменистон ССРда ишланган А.Ледашевнинг “Мен қайтаман” [“Батрак”] (1935) каби фильмлари шулар жумласидандир[18. – Б.28-29].

Тўртинчидан, социализм қурилиши, совет кишиларининг ҳаёти ва уларнинг “бахтиёр” турмуш тарзинини акс эттирган асосан Ўзбекистон ССРда ишланган фильмларни айтиш мумкин. Уларга инқилобдан олдин ва ундан кейин ўзбек камбағал деҳқонларининг ҳаёти акс эттирилган Н. Шербаковнинг “Пахта-арал” (1925), ўзбек камбағал деҳқонларининг ер-сув “ислохоти”да иштироки ёритилган В. Кривцовнинг “Бахт куёши” (1926), саноатлаштириш сиёсатини биринчи марта экранларда намоиш этган Н. Ғаниевнинг “Кўтарилиш” (1931) ва Н. Кладо, Й. Азамов, С. Хўжаевларнинг колхозларнинг ташкил этилиши, пахтачилик учун кураш, қишлоқ хўжалик техникаларининг кириб келиши ва қурилишлар тўғрисида ишланган бадий ва ҳужжатли фильмлари мисол бўлади[19. –Р.15; Р.548; С. 16 – 17;С.206].

Шунингдек, Сулаймон Хўжаев томонидан 1933 йилда “Тонг олдида” номли биринчи тарихий фильм ҳам ишланган. Бироқ фильмда Туркистондаги 1916 йил қўзғолонининг бостирилиши тарихи ҳаққоний тасвирлангани учун ҳеч қачон экранларда намоиш этилмади. “Қасамёд” дастлабки ўзбек овозли фильми бўлиб, у 1937 йилда режиссёр А.Г. Усольцев томонидан ишланган. Ушбу фильм орқали коллективлаштириш йўлини бошлаган ўзбек қишлоғининг ҳаёти, ер-сув “ислохот”лари атрофида рўй берган қаттиқ синфий курашлар намоиш этилди.

Кинонинг тарғибот учун муҳим томони шундаки, у инсон қалбига тез кириб боради. Шунинг учун ҳам кино бошқа тарғибот воситаларига қараганда кучли таъсирга эга бўлган мафкура қуролига айланди. Масалан, биргина “Чачвон” фильми намоиш этилгандан сўнг 90 мингга яқин ўзбек аёллари паранжисини ташлагани ҳам бунинг ёрқин далилидир[20. – С.212-213]. Мазкур мақолада кинофильмларнинг барчасини таҳлил қилиш имкони мавжуд эмас. Фақатгина айримларига тўхталиб ўтиш мумкин.

“Равот қашқирлари” фильми бой ва деҳқон образлари орқали уларнинг совет ҳокимияти қонунларига қаршилигини, батрак образи билан эса мазкур қатламларни большевикларга хайрихоҳлигини тасвирлашга ва тарғиб қилишга қаратилган. Шунингдек, совет ҳокимиятига қарши курашни аҳоли орасида салбий тарғиб қилиш мақсадида кўрбоши Ақромхонни Равот қишлоғига ҳужуми ва аҳолига 100 та қўй ва 50 қоп гуруч солиқ солиши, кўзғолончиларга савдогарлар орқали хорижнинг моддий ёрдами акс эттирилган[21. – <https://>]. Албатта бу фильмда жамиятдаги айрим салбий иллатлар: кўп хотинлик, мулкдорларнинг деҳқонлар устидан ҳукмронлиги тўғри қораланганлиги билан бир қаторда большевиклар томонидан жамиятнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётини “модернизация” қилиши билан боғлиқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини социализм қуриш амалиётига буриш учун кучли тарғибот ҳам олиб борилган. Шу даврда большевикларнинг сиёсати ва уларнинг таъсирини кенг ёйилишига қаршилик кўрсатаётган асосий куч бу – қуроли кураш раҳбарлари эди. Мазкур фильмнинг мақсади эса қуроли ҳаракатни тугатиш, ер-сув “ислоҳоти” ва “Ҳужум” ҳаракатини амалга ошириш, қишлоқ советларининг ролини ошириш, саводсизликни тугатиш учун тарғибот воситаси ва шу каби сиёсий жараёнларга Ўрта Осиё халқларини тайёрлашга хизмат қилиши лозим эди. Шу каби кинофильмлар ҳам коммунистик мафкуранинг кучайишига инсонлар онги ва ташаккурини ўзгаришига, бу эса ўз навбатида совет ҳокимиятига қарши курашнинг мағлубиятга учрашига таъсир кўрсатиб борди.

Шунингдек, “Рамазон” фильми ҳам тарғиботга йўналтирилган бўлиб, бироқ у кенг оммага қизиқ бўлмаганлиги сабабли “кассабоп” сифатида фойда келтирмади. Шунинг учун ҳам 1933 йилги пахта йиғим-терими пайтида асосан колхозчиларга намоиш этилди. Совет мафкурасига кўра, фильмда ислом динининг беш арконларидан бири бўлган рўза жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар сифатида тақдим этилган. Рўза – ҳосилдорликни пасайтиради, зўравонлик ва низоларни келтириб чиқаради, мулла, эшонларга камбағалларни суиистеъмол қилишга ёрдам беради, деб талқин қилинади [21. – Р.558].

“Муҳожир” фильми[23. – <https://>] ҳам шу даврнинг энг мураккаб ва зиддиятли масалаларидан бирига қаратилган эди. Чунки шу даврда Ўрта Осиёда ўтказилган коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати оқибатида халқларнинг муҳожирликка кетиши кучайган эди. Мазкур фильмда, биринчидан, инсоннинг бошига тушган турли кулфатлар Аллоҳнинг иродаси билан эмас, балки совет фуқароси сифатида СССРни тарк этиши ва у ерда нажот топа олмай қайтиб келиб, большевиклар сиёсатига қаршилик кўрсатаётганлиги натижасида, деб кўрсатилади. Иккинчидан, инсонлар орзу қилганидек, муҳожирликдаги юрт ҳам “жаннат” эмаслиги, адолатсизлик ва зўравонлик макони эканлиги, чет элда ҳам ислом амалиёти қараланиши, шу билан бир қаторда, совет ҳокимиятининг диний сиёсатини танқид қилишдан сақланиш каби ғоялар тарғиб қилинади[21. – Р.555-556].

Сиёсийлаштирилган, кучли тарғиботга йўналтирилган ва Ўрта Осиё халқларининг ҳаётини камситадиган, жуда қолоқ сифатида акс эттирилган кинолар намоиш қилинганда аҳоли орасида зиддиятларни, кино ижодкорларига нисбатан қаршиликларни, томошабинларнинг театр сахналарини тарк этишган ҳолатлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, “Ўлим минораси” фильми Бухорода намоиш этилганида ғазабланган ўзбеклар театрни тарк этишди, чунки уларнинг ҳаёти бузилган ва воқеълик тўғри акс эттирилмаган эди[25. – Б.207]. Шунингдек, 1928 йилда Меҳнатобод қишлоғида “Рават қашқирлари” фильми намоиш этилганда ҳавонинг совуқ бўлишига қарамай

кўплаб аҳоли тўпланди. Фильмнинг намоёниши жараёнида бир нечта аёллар паранжиларини ечиб олишди. Бу эса ўз навбатида бошқаларнинг ғазабини уйғотиб уларни таъқиб қилишди[26. – Р.13].

Кино саноати Ўрта Осиёда совет мафкурасини сингдириш ва “қуллик занжирлари”ни парчалаш учун асосий восита эканлигини исботлади. Чунки дастлабки кинолар овозсиз шаклда ишланиб, унда тил омили аҳамият касб этмади. Яъни, Ўрта Осиёда яшовчи барча халқлар учун тушунарли эди. Шунингдек, намоёниш этилган барча фильмлар, гарчи улар кўнгил очар бўлсада уларга сиёсий тарғибот масалалари сингдириб борилди. Намоёниш этилган кинолар орқали аҳоли орасида синф, жинс ҳукмронлигига ва дин, урф-одатларга қарши норозиликларни кучайтириши лозим эди.

Кўп йиллар мобайнида аёллар бўлимида ишлаган Серафима Любимова[27] кинонинг роли хусусида шундай дейди: “театр [ва кино] томошабинларга, хусусан аёлларга диний қонун-қоидалар, урф-одатлар ва расм-русмларга қарши норозилик ҳиссини уйғотиши керак эди. Театр [ва кино] орқали аёлларни озодликка эришиш учун эски қонунларга қарши курашишни хоҳлайдиган ҳолатга келтириш лозим”. Шунингдек, С. Любимова аёллар орасида совет мафкурасини янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида уларни театр ва кинога жалб қилишни ошириш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Бунинг учун хотин-қизлар учун махсус спектакл ва фильмларни ташкил этиш ва қизиқарли асарларни танлаш, уларга чипта сотиб олишда чегирмалар тақдим этишни таклиф қилади[28. – Р.539].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишига, таъсирини кучайишига ва коммунистик мафкуранинг сингдирилишига барча тарғибот воситалари билан бир қаторда кинонинг ҳам таъсири жуда кучли эди. Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган ўзбек халқ нақли катта маънога эга. Шундай қилиб, мафкура жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Марказий ва маҳаллий бошқарув органлари мафкурани мустаҳкамланишига хизмат қилди. Натижада совет ҳокимияти

амалга оширган сиёсатни кенг тарғиб қилиш ва унга қарши бўлган турли хатти-ҳаракатларни қоралаш асосий мақсадга айланди. Совет ҳокимияти бошланишиданоқ ўз сиёсатида халқларга кенг имкониятлар ва эркинликлар беришни ваъда қилди, Россия империяси давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни танқид қилди. Империя давридаги воқеаларга салбий баҳо бериш орқали ўзининг сиёсатидаги камчиликларни хаспўшлашган ҳаракат қилди. Жумладан, Совет ҳокимияти Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган кўзғолонларни миллий озодлик ҳаракатига интилиш сифатида талқин қилди, бироқ ўзининг, яъни большевиклар сиёсатида қарши бўлган курашларга мафкуравий-сиёсий тус бериб, “босмачилик” ҳаракати деб, нотўғри тарғиб қилинди. Аслида Россия империяси ва совет давридаги кўзғолонлар ҳам ўз навбатида мавжуд ҳокимиятнинг сиёсатида қарши қаратилган халқ ҳаракати эди. Лекин коммунистик мафкура таъсири остида Туркистон минтақасида ва Ўрта Осиёда 1918-1935 йилларда олиб борилган совет ҳокимиятига қарши кураш совет тарихшунослиги орқали жаҳон тарихида ҳам “босмачилик” ҳаракати номи билан кирди. Шунингдек, совет кинолари орқали ҳам бутун дунёга “босмачилик” ҳаракати сифатида талқин қилинди. Ўрта Осиёда асосан мусулмон халқларининг совет ҳокимиятига қарши қаратилган 17 йиллик кураши мафкура таъсирида аҳолининг онгига кино, театр, матбуот, тасвирий санъат, бадий адабиёт, илмий асарлар ва бошқа маданий-маърифий йўналишлар орқали салбий баҳо бериб келинди. Совет ҳокимияти кучли ҳарбий-сиёсий, жазо, мафкуравий ва иқтисодий йўналишлардаги чора-тадбирлари натижасида ўзининг маълум мақсадларига эриша олди ва аҳолининг катта қисмини ўз томонига жалб қила олди. Бироқ, тарих кўрсатдики, большевиклар хоҳлаганидек коммунистик жамият қуриш гояси ўзини оқламади ва бу тизим ўз-ўзидан парчаланиб кетди, СССР таркибида бўлган барча республикалар ва ундаги халқлар ўзининг азалий орзуси бўлган мустақиллигини қўлга киритди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Chomentowski G. Du cinéma muet au cinéma parlant. La politique des langues dans les films soviétiques. “Cahiers du monde russe”. 2014. 55/3-4. P. 1; О. Красина (Субботина). Кинематограф Узбекистана 1920-х годов: зарождение национальной кинематографической школы. “Этнодиалоги”. 2020. № 3 (61). С. 204.
2. Венков А.А. Образ В.И. Ленина и его трансформация в советском художественном кинематографе. “Новое прошлое • The new past”. 2019. № 1. С. 35.
3. Drieu C. De la pratique en «situation coloniale» aux usages totalitaires: le film et son environnement sonore et visuel en Asie centrale (1897-1937). P. 6. <https://www.academia.edu>.
4. Зигфрид Кракауэр — таниқли немис кино танқидчиси ва назариётчиси бўлиб, у тижорат киноси ва оммавий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимотни шакллантирган.
5. Мазур Л.Н. Конструирование революционного мифа в советском художественном кинематографе. 1917–1953 гг. “Вестник архивиста”. 2017. № 3. С. 171 – 172.
6. Кино: организация управления и власть. 1917-1938 гг. Документы [составитель, автор предисловия и примечаний А. Л. Евстигнеева]. Москва. 2016. С. 34.
7. Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. “Die Welt des Islams”. 2010. №. 50. P. 536.
8. Исхакова М. Из истории зарождения кинодокументалистики в Ташкенте. <https://shosh.uz>; C. Drieu. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 537.
9. Каримова Н. Киноиндустрия Узбекистана и её вклад в социально-экономическое развитие страны. – Ташкент: Baktria press, 2019. – С. 16 – 17.

10. Бошида салла эмас балки юмалоқ дўппи билан тасвирланиши жадидлар ишлаган сахна асарларида ўзига хос янги хусусият сифатида қаралса, 1930 йилларда эса “буржуа” ва “миллатчи” сифатида таҳқирланган.

11. Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 538.

12. Boboyev F. Strengthening communist ideology in Central Asia and its role in ending the struggle against soviet power (1925-1935) // “International journal of social, humanities and administrative sciences”. 2021. Vol. 7. Issue 39. – P. 781-785.

13. Салават Юлаев – бошқирд миллий қаҳрамони, шоир-ҳикоячи, 1773 – 1775 йиллардаги деҳқонлар кўзғолони раҳбари Емельян Пугачёвнинг сафдоши.

14. Имом Шомил – Шимолий Кавказ халқларининг миллий қаҳрамони.

15. Бобоев Ф. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихи (1925-1935 йиллар). – Тошкент: “Samo nashr”, 2022. – Б. 203-204.

16. Муҳаррам — ҳижрий-қамарий тақвим бўйича йилнинг биринчи ойдир. Биринчи Муҳаррам янги йилнинг бошланиш кунидир. Одатда мусулмонлар бир-бирларини бу муносабат билан табрик этадилар.

17. Исмоилизм — исломнинг шиа мазҳабига тегишли VIII асрнинг охиридан бошланган диний ҳаракат.

18. Бобоев Ф. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихи (1925-1935 йиллар). тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022. Б. 28-29.

19. Drieu C. Empire non colonial et hégémonie soviétiques: le cas de l 'o Uzbékistan à travers son cinéma de fiction (1924-1937). P. 15. <https://halshs.archives-ouvertes.fr>; Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 548; Каримова Н. Киноиндустрия Узбекистана и её вклад в социально-экономическое развитие страны. С. 16 – 17; На экране – история Отечества. Исторические фильмы России и СССР 1908–2019 гг. Составители: В.Малышев, Д.Караваев, С.Каптерев. Москва: ВГИК,

2020; О. Красина. Кинематограф Узбекистана 1920-х годов: зарождение национальной кинематографической школы. С. 206.

20. Красина О. Кинематограф Узбекистана 1920-х годов: зарождение национальной кинематографической школы. С. 212 – 213.

21. Шакалы Равата // <https://www.youtube.com/watch?v=hwnJkWZllwI&t=89s>

22. Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 558.

23. Фильм “Икки қирғоқ” номи билан ҳам аталади. Бу тожик кинематографиясининг биринчи фильми эди. К. Ёрматов дастлаб шу фильмда суратга тушган.

24. Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 555 – 556.

25. Бобоев Ф. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихи (1925-1935 йиллар). – Тошкент: “Samo nashr”, 2022. – Б. 207.

26. Drieu C. De la pratique en «situation coloniale» aux usages totalitaires: le film et son environnement sonore et visuel en Asie centrale (1897-1937). P. 13.

27. Серафима Любимова — 1898 – 1970 йилларда яшаган давлат ва партия арбоби. 1923-1924 йилларда Туркистон Компартияси ҳузуридаги Хотин-қизлар бўлими бошлиғи, 1924-1926 йилларда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги Хотин-қизлар бўлими бошлиғи, 1926-1928 йилларда ВКП(б) Марказий Қўмитаси Хотин-қизлар бўлимининг шарқий гуруҳи раҳбари ва бошқа турли масъул лавозимларда ишлаган.

28. Drieu C. Cinema, Local Power and the Central State: Agencies in Early Anti-Religious Propaganda in Uzbekistan. P. 539.

РОЛЬ КИНОИНДУСТРИИ В ПРОПАГАНДЕ СОВЕТСКОЙ ИДЕОЛОГИИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (20-30-Е ГОДЫ XX ВЕКА)

Аннотация. Советские власти использовали несколько методов для продвижения своей коммунистической идеологии в Средней Азии. Большевики

широко использовали материалы прессы, литературу, искусство, кино, митинги, лекции и даже научные исследования для продвижения своей коммунистической идеологии. Среди них наиболее привлекательным и дошедшим до широких масс населения было искусство кино. Продвигая свои идеи в среднеазиатском обществе, советское правительство использовало фильмы, осуждавшие обычаи и законы исламской религии, отрицательно оценивавшие национально-освободительные движения против советской власти, отражавшие строительство социализма, жизнь советского народа. и их «счастливый» образ жизни. В статье выявлено, что фильмы, снятые в этом направлении, широко пропагандируются среди населения.

Ключевые слова: кино, пропаганда, идеология, идея, коммунизм, советский, большевистский, ислам, общество, национальное освобождение.

THE ROLE OF THE FILM INDUSTRY IN PROMOTING THE SOVIET IDEOLOGY IN CENTRAL ASIA (20-30S OF THE XX CENTURY)

Abstract. The Soviet authorities used several methods to promote their communist ideology in Central Asia. The Bolsheviks made extensive use of press materials, literature, art, cinema, rallies, lectures, and even scientific research to promote their communist ideology. Among them, the most attractive and the one that reached the broad masses of the population was the art of cinema. In promoting its ideas in the Central Asian society, the Soviet government used films that condemned the customs and laws of the Islamic religion, negatively evaluated the national liberation movements against the Soviet power, and reflected the construction of socialism, the life of the Soviet people and their "happy" lifestyle. The article reveals that films made in this direction are widely promoted among the population.

Key words: cinema, propaganda, ideology, idea, communism, soviet, bolshevik, Islam, society, national liberation.